

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗМЕТОВ УЧҚУН ЎРУНБОЕВИЧ

**АТРОФ МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИДА БАЪЗИ НОДИР МЕТАЛЛАРНИ
АНИҚЛАШНИНГ АМПЕРОМЕТРИК УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рўзметов Учқун Ўрунбоевич

Атроф муҳит объектларида баъзи нодир металлларни
аниқлашнинг амперометрик усуллари ишлаб чиқиш.....3

Рузметов Учқун Урунбоевич

Разработка амперометрических методов определения
некоторых благородных металлов в объектах окружающей среды.....21

Ruzmetov Uchqun

Elaboration of amperometrical methods of determination of
some noble metals in objects of environment.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗМЕТОВ УЧҚУН ЎРУНБОЕВИЧ

**АТРОФ МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИДА БАЪЗИ НОДИР МЕТАЛЛАРНИ
АНИҚЛАШНИНГ АМПЕРОМЕТРИК УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2018

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/К6. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-kimyo.nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сманова Зулайхо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахмонов Эргаш
кимё фанлари доктори, профессор

Султонов Марат Мирзаевич
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Умумий ва Ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университет ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «__»_____2018 йил соат____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетнинг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х. Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д. А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш **илмий** котиби, к.ф.д.

Э. Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси муовини, к.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон миқёсида кимё саноатининг жадал ривожланиши натижасида вужудга келган экологик муаммоларини ҳал этишда селектив ва сезгир усулларни қўллашни талаб этилмоқда. Кимё саноатида катализатор сифатида, автомобилсозлик, электротехника, стоматология соҳаларида, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш, шиша саноатида ва техника ҳамда халқ хўжалиги учун муҳим микроасбоблар ишлаб чиқаришда симоб, кумуш ва палладийдан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳит ушбу металллар билан ифлосланиши ва рухсат этилган миқдоридан ошиб кетиши кузатилмоқда. Шунинг учун ушбу металл ионларининг миқдорини назорат қилиш ва аниқлаш дунё миқёсидаги муҳим, долзарб масалалардан биридир.

Ҳозирда, аналитиклар нуқтаи назаридан, саноат объектлари таркибидаги нодир металлларни анализ қилишда органик реагентлардан тион ($=C=S$) ва тиол ($\equiv C-SH$) гуруҳ тутган бирикмалар кенг қўлланилмоқда. Олтингугурт ва бошқа функционал аналитик гуруҳлар тутувчи янги органик бирикмалар нодир металлларни электрокимёвий аниқлашда ҳозирги замон аналитик кимё, тиббиёт, саноат, экология, техника ва халқ хўжалигининг зарурий масалаларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Электрокимёвий усуллар сезгирлиги, ишлаш ресурсининг катталиги, юқори аниқлилиги, ишлатишга қулайлиги ҳамда тезкор анализ қилиш афзаллиги билан ажралиб туради. Шу сабабли симоб, кумуш ва палладийни аниқлашнинг янги экспресс электрокимёвий усулларини ишлаб чиқиш аҳамиятли ҳисобланади.

Республикамызда кимё саноатида янгидан-янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикамызда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф муҳитини муҳофаза қилишнинг чора тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг йўналишида «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жихатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида, жумладан кимё, авиация, атом ва тиббий саноатларида кенг қўлланиладиган симоб, кумуш ва палладийни назорат қилиш сабабли, уларни амперометрик титрлашнинг тезкор усулини ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15-июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга қўллашни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги,

2009 йил 11-мартдаги ПҚ-1071 «Кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилишини ва ўзлаштирилишини тезлаштириш тўғрисида»ги, 2010 йил 15-декабрдаги ПҚ-1442-сонли «Ўзбекистон Республикаси саноатининг 2011-2015-йилларда ривожланиш истиқболлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 23-августдаги №273 «2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф муҳит мониторинги дастури»ни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Симоб, кумуш ва палладий ионларини аниқлаш бўйича дунё миқёсидаги олимлар турли тадқиқотлар билан шуғулланиб келганлар ва ҳозирда ҳам шуғулланмоқдалар. Уларни аниқлашнинг физик, физик-кимёвий ва бошқа усуллари ишлаб чиқилган, лекин уларда аппаратуранинг мураккаб тузилганлиги ва қимматлиги билан тавсифланади. Шунинг учун ушбу металл ионларини электрокимёвий аниқлашнинг ҳозирда мавжуд барча талабларга жавоб берувчи янги, янада такомиллашган замонавий усуллари ишлаб чиқилиши зарур.

Бу соҳада энг кўп мақолаларига ҳаволалар қилинган, қуйидаги муаллифлар: Kiss S., Kies H.L. Deshmukh G.S., Freddi R., Bombi G.G., Singh D., Facsko G., Vera B.C., Kalcher K., Puri B.K., Bark L., Krishna R.V. Rao A.L. ва кўплаб бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

МДХ мамлакатларининг бир қатор олимлари: Сонгина О.А., Усатенко Ю.И., Аришкович А.М., Захаров В.А., Бардин М.Б., Мищенко А.И., Будников Г.К., Соломатин В.Т., Тарян В.М., Майстренко В.Н., Врублевская Т.Я. кабилар элементларни амперометрик аниқлашнинг ривожлантиришига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшдилар. Уларнинг илмий тадқиқотлари металл ионларини амперометрик аниқлашга қаратилган эди, бунда улар фон электролитлар ва буфер аралашмалар, электродга берилган кучланиш таъсирини шунингдек рудалардаги, шламлар, пўлат ва бошқа объектлардаги металлларни аниқлашни ўрганиб чиқдилар.

Буларнинг сафидан Ўзбекистонлик олимлар ҳам кенг ўрин олган, жумладан академик Толипов Ш.Т. томонидан Республика ва ўрта Осиёда аналитиклар мактаби яратилди ва унинг аъзолари ўз ишларини оғир металлларни уларни электрокимёвий концентрлаш босқичида индикатор электродлар юзасида сорбцияланиш ҳодисасини кўзда тутувчи электрокимёвий таҳлил усуллари, хусусан металлларни анодли инверсион вольтамперометрия, амперометрик ва бошқа анализ усуллари бағишлади.

Ўзбекистон олимлари: Хадеев В.А., Геворгян А.М., Жданов А.К., Джиянбоева Р.Х., Сманова З.А., Туробов Н.Т. (ЎзМУ), Абдурахманов Э., Насимов А.М., Файзуллаев О.Ф. (СамДУ) номлари шу йўналишнинг бевосита ривожланиши билан боғлиқ.

Буларнинг барчаси шундан далолат берадики кенг доирадаги илмий изланишлар учун симоб, кумуш ва палладийни амперометрик аниқлашда олтингугурт тутувчи реагентларнинг аналитик хоссасини текшириш асосида экологик ва аналитик мақсадларда қўлланилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб Ф-7-48 «Полимер материаллар сиртига иммобилланган металллар нанозаррачаларининг фазавий ўзгаришлари механизимини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқот ишининг мақсади симоб, кумуш ва палладий ионларини метрологик тавсифлари ва аналитик параметрлари яхшиланган сувли муҳитларда тиомочевина ва тионалид эритмалари билан амперометрик титрлаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фон электролитлари ва буфер аралашмаларнинг табиати ва концентрациясини танлаш, деполяризатор электролизи режимлари ва шароитларини оптималлаштириш;

симоб, кумуш ва палладий ионларини амперометрик титрлаш учун ўзига хос реагентларини танлаш, тиомочевина ва тионалид электрохимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш;

фон электролитлар ва буфер аралашмалар табиати ва концентрациясини эгри чизиқлар шаклига кўрсатилган таъсирини аниқлаш ва симоб, палладий, кумуш ионларини тиомочевина ва тионалид эритмалари билан амперометрик титрлаш натижаларини таҳлил қилиш;

тиомочевина ва тионалид чегаравий анод токи ва тадқиқ этилаётган металллар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш ва шулар асосида амперометрик усулини ишлаб чиқиш;

симоб, кумуш ва палладий ионларини ҳақиқий табиий объектлар ва саноат материалларига айнан ўхшатишган модел бинар, учламчи ва янада мураккаб аралашмалардан аниқлаш;

ишлаб чиқилган симоб, кумуш ва палладий ионларини тиомочевина ва тионалид эритмалари билан титрлаш усулини рақобатбардошлиги, уларни бошқа мустақил ва стандартланган усуллар билан солиштириш натижаларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли хилдаги минераллар, рудалар, саноат корхоналарининг концентратлари ва қайта ишлаш чиқиндилари, шунингдек пўлатларнинг, рангли металлургия буюмларининг стандарт намуналари ва бошқа материаллар хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Hg(II), Ag(I), Pd(II) ионлари ва олтингугурт сақловчи реагентлар (тиомочевина, тионалид), ҳамда атроф муҳитни ифлослайдиган ва мутаген бирикмалардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу ишда қўйилган масалаларни ечиш учун амперометрия, вольтамперометрия, кондуктометрия, потенциометрия, полярография каби электрохимёвий усуллардан ҳамда статистик ҳисоблаш усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тионалид ва тиомочевинанинг аналитик сигналига ҳалақит берувчи бегона катионлар ва анионларнинг табиати ва концентрацияси, муҳитнинг рН кўрсаткичи, фон электролити ва буфер аралашмаларнинг таъсири, индикатор электродларга берилган кучланишнинг таъсири амперометрик аниқланган;

Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ионларини аниқлашда махсус реагентлар танланди, танланган реагентлар, комплексланувчи бирикмаларнинг электрохимёвий ҳолати исботланган;

Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) амперометрик титрлаш орқали сезиларли даражада ушбу металл ионларини аниқлашнинг соддалаштиришга ва тезлаштиришга ёрдам бериши исботланган;

илк бор бир қатор реал табиий объектлар ва саноат материалларида Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ионларини аниқлаш учун тионалид ва тиомочевина реагентлари ёрдамида амперометрик титрлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ионларини тиомочевина ва тионалид эритмаси билан табиий объектлар ва саноат материалларда амперометрик аниқлаш таклиф қилинган;

тиомочевина ва тионалид электрохимёвий ҳолатининг оптимал шароитлари ҳамда ўлчашнинг юқори экспресслиги, аниқлиги, сезгирлиги ва аниқланаётган металлларни қуйи аниқланиш чегараси 4,0-10 ppm тартиби аниқланган;

симобни аниқлаш санитар-гигиеник лаборатория натижалари шуни кўрсатдики яхшиланган сезгир ва қуйи аниқланиш чегараси бирмунча камайганлигини, шу билан бирга аниқланаётган металл ионларини амперометрик титрлаш бўйича олинган натижалар норматив ва техник хужжатлар ҳулосаси асосида аҳолини соғлом турмуш тарзини яхшилаш ва атроф муҳит ифлосланишини олдини олишга қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий мезонлар асосида математик ҳисоб-китоб усулида таҳлил қилинган. Бу мезонлар давлат стандартлари асосида қўшимчалар қўшиш усули, «киритилди-топилди» ва бошқа усуллар билан реал табиий объектлар, саноат материалларини ва стандарт намуналарини солиштирган ҳолда тасдиқланган. Олинган натижалар математик статистик усули қўлланилган ҳолда ўтказилган. Ишлаб чиқилган Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ионларини органик реагентлар (тионалид ва

тиомочевина) ёрдамида амперометрик аниқлаш тажрибали ишлаб чиқариш корхоналарида синовдан ўтказилиб ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, сувли муҳитларда илк бор электрохимевий титрлаш усули ёрдамида тионалид ва тиомочевина аналитик титрантлар сифатида фойдаланган ҳолда кислота-асосли хоссалари бўйича турлича бўлган фон электролитлари ва буфер аралашмаларда юқори метрологик тавсифларга эга бўлган Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ионларини аниқлаш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган амперометрик усуллар юқори аниқлик, селективлик ва аниқлашни тезкор равишда бажарилиши таҳлил қилинувчи эритмадаги микрограммлар (ppm) даражасида аниқлашнинг чегаравий миқдорларига эга бўлган ноорганик материаллардан (рудалар, қотишмалар, шламлар, руда чиқиндилари, заргарлик буюмлари, стандарт намуналар ва б.) тионалид ва тиомочевина эритмалари ёрдамида Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ионларини аниқлашни амалда жорий этиш имкониятини берди. Диссертация ишида баён этилган материал, симоб, кумуш ва палладийни тионалид ва тиомочевина эритмалари билан аниқлаш шароитларини оптималлаштиришни ва таркиби бўйича турлича бўлган табиий объектлар ва саноат материаллардаги намуналарни таҳлил қилишнинг рационал йўллари танилашни амалга ошириш имкониятини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Симоб, кумуш ва палладий ионларини микромиқдорларини тионалид ва тиомочевина эритмаси билан реал объектлар таркибидан аниқлашнинг амперометрик усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кумуш ва палладий ионларини микромиқдорларини реал объектлар таркибидан аниқлаш бўйича амперометрик усулдан «Электрохимё заводи» амалиётда фойдаланилган («Электрохимё заводи» ҚКАЖнинг 2018 йил 28 февралдаги 240-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида тионалид ва тиомочевина эритмаси ёрдамида руда ва шламлар таркибида нодир металларни самарали аниқлаш имконини берган;

турли хил реал объектларда симоб ионларини амперометрик аниқлаш бўйича «Электрохимё заводи» амалиётида фойдаланилган («Электрохимё заводи» ҚКАЖнинг 2018 йил 28 февраль 240-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида электрохимевий усул ёрдамида турли шламлар таркибида симоб ионини тиомочевина ва тионалид билан микромиқдорини аниқлаш имкониятини берган;

тионалид ҳамда тиомочевина ёрдамида симоб, кумуш ва палладийни амперометрик аниқлаш усули Ўзбекистон Республикаси Санитар эпидемиологик назорати маркази санитар-гигиена лабораториясида қўлланилган (Республика давлат санитария - эпидемиология назорати марказининг 2017 йил 25 декабрдаги 16-8/10003-сон маълумотномаси). Hg, Ag ва Pd ионларини аниқлаш натижалари шуни кўрсатдики ишлаб чиқилган

усул аниқлашнинг юқори экспресслиги, етарлича аниқлиги, сезувчанлиги аниқланаётган металлларнинг қуйи аниқланиш чегараси (4,0-10 ppm)га эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 2 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, 107 та библиографик номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) турли реагентлар билан электрокимёвий аниқлаш**» деб номланувчи биринчи бобида адабиёт шархлари келтирилган бўлиб, унда симоб, кумуш ва палладий ионларини сувли, сувсиз ва аралаш муҳитларда ҳар хил хусусиятга эга бўлган турли реагентлар ёрдамида амперометрик ва бошқа электрокимёвий усуллар билан аниқлашга бағишланган хорижий ва Республика нашрларида келтирилган ишлар баён этилган.

Аналитик кимёда тион ($=C=S$) ва тиол ($\equiv C-SH$) атомлар группасидан ташкил топган органик реактивларининг қўлланиши тобора кўпайиб бормоқда. Улар сезиларли кимёвий активлиги билан ажралиб туради ва турли кўплаб металл ионлари билан таъсирлашиб рангли ёки рангсиз бирикмалар ҳосил қилади. Уларнинг ўзига хослиги, маълум кислоталилик оралиғида айрим элемент груҳлари билан реакцияга киришиш хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради.

Реакцияларнинг юқори сезгирлиги ҳисобига етарли даражада аниқлик билан кичик миқдордаги металл ионларини аниқлаш имконини беради, шу билан бирга баъзи ҳолларда бир элементни бошқаларининг мавжудлигида дастлабки ажратишларсиз аниқлаш имкони мавжуддир. Адабиётлардаги

маълумотлар, тионлар ва тиоллар нодир ва захарли металллар билан барқарор комплекслар ҳосил қилишини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказишда ишлатилган асбоб-ускуналар ва материаллар**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотни ўтказишда қўлланилувчи материаллар, ускуналар ва усуллар баён этилган. Жаҳон адабиётларида маълум бўлган, олинган тажриба маълумотларини математик ишлашнинг асосий амаллари ва иш тартиби, шунингдек, симоб, кумуш ва палладийнинг тиомочевина (ТМЧ), тионалид (ТНЛ) эритмалари ёрдамида қуйи чегаравий миқдорларини аниқлаш ва уларни аниқлаш чегараларини ўрнатиш усуллари, ишлаб чиқилган усулнинг сифат жиҳатидан баҳолалишини тавсифловчи сезувчанлик хусусиятлари келтирилган.

Шу бобда ички комплекс тузлар иштирокидаги оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига қисқача тўхталинган. Ички комплекс тузнинг марказий атоми билан кўплаб оксидланиш ёки қайтарилиш реакциялари маълум, бунда бирикмаларнинг алоҳида қаторлари учун қоидага кўра айнан ўхшаш қонуниятларига риоя этилади.


Бизнинг томонимиздан фойдаланилган ТНЛ, ТМЧ, рубеноводород кислота (РК), дитизон (ДТЗ), тиоацетамид (ТАА), тиооксин (ТО), унитиол (УТ) ва натрий диэтилдитиокарбамат (ДДТКNa) реagentлари тадқиқ этилаётган металллар ионлари билан айримлари барқарор комплекс бирикмалар ҳосил қилади, баъзи reagentлар симоб, кумуш ва палладий ионлари учун ўзига ҳосликка эгадир. Бунда бир қатор ҳолатларда махсус шарт-шароитлар яратилади, масалан, фон электролитлар, буфер эритмалар, муҳитнинг рН кўрсаткичи ва бошқалар.

Диссертациянинг учинчи қисми «**Тионалид ва тиомочевина электрохимёвий хусусиятлари, Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) аниқлашнинг оптимал шароитларини танлаш**»га бағишланган. Бу ерда платина дискли микроанодда ТМЧ ва ТНЛ электрохимёвий ҳаракат тарзи, ўрганилган reagentларни симоб, кумуш ва палладий ионлари билан комплекс ҳосил қилиш оптимал шарт-шароитлари танланган. Турли металл ионларини бир ёки икки қаттиқ индикатор электродлари билан амперометрик титрлаш усулларини ишлаб чиқилишида фойдаланилаётган муҳитлардаги ва мос равишдаги электроддаги нафақат аниқланувчи металллар ионларининг балки шунингдек қўлланилган reagentлар билан уларнинг металлокомплексларининг вольтамер ҳаракат тарзининг ўзига хос хусусиятларини билиш зарур, бу титрлашнинг оптимал шарт-шароитларини ва индикатор электродлардаги потенциаллар айирмасини (ΔE) тўғри танланиш имконини беради.

Бундай тадқиқотлар ПУ-1, ППТ-1 полярографлари ва уч электродли катакча ҳамда диск диаметри 1,0 мм, унинг айланиш тезлиги 725 айл/мин бўлган айланма платинали микроанод қўлланган ҳолда ўтказилди. Барча эгрилар микроаноднинг 5 мВ/сек қутбланиш тезлигида, ортиб борувчи потенциаллар йўналишида, буфер аралашмалар ва фон электролитлари хусусиятини ТНЛ ва ТМЧ электрооксидланишига таъсирида олиб борилди.

ТМЧнинг оксидланиши (бошқа кўплаб олтингугурт тутган моддалардаги каби) амалда +0,4 дан +0,5 В гача бўлган бир хил потенциалдан бошланади. Лекин ТМЧ полярограмма табиати вольтампер эгри чизигининг йўналишига сезиларли боғлиқ бўлади. ТМЧнинг электроднинг мусбат кутбланишини ортиб бориши йўналишида вольтампер эгриларини олинишида платина юзаси оксидларининг кислороди иштирокида оксидланиши **этувчи ҳолатлар** учун хос бўлган +1,3 В га яқин (1 ва 2 эгри чизиқлар) полярограммаларда кўпроқ ёки камроқ кескин ифодаланувчи максимум кузатилади. 1-расмда ТМЧнинг турли концентрацияли эритмасининг 0,01 М H_2SO_4 фонидаги вольтампер эгрлиги келтирилган.


Электроднинг мусбат кутбланишининг камайиши йўналишида ТМЧ вольтампер эгрлари олинди, полярограммалар бирмунча бошқа кўринишга эга бўлади: +1,3 В потенциалда максимум йўқолади, бироқ бунинг эвазига +0,9 дан +1,0 гача бўлган потенциалда бошқа максимум пайдо бўлади, бунда кутбланиш эгрларининг йўллари ўртасида сезиларли гистерезис доира кузатилади.



1-расм. Турли хил концентрацияли ТМЧ эритмасининг 0,01 М H_2SO_4 фонидаги вольтампер эгриси.

ТНЛ айланувчи платина микроэлектродда оксидланиш билан вольтампер эгрисида 1,05-1,25 В потенциаллар чегарасида бир горизонтал майдон ҳосил қилади. Диффузион токнинг катталиги реагент концентрациясига мутаносиб бўлиб, текшириляётган металл ионларини анод токи бўйича амперометрик титрлаш имконини беради. 2-расмда турли

концентрациядаги ТНЛ эритмасини 0,01 М сульфат кислота фонида титрлаш вольтампер эгрилари келтирилган; калий ёки аммонийнинг сирка кислота қўшилиши билан азотли ва гидросульфат тузлари фонидаги эгрилар айнан ўхшаш кўринишга эга бўлган.



2-расм. Турли хил концентрацияли ТНЛ эритмасининг 0,01 М H_2SO_4 фонидаги вольтампер эгриси.

Кислота-асосли хоссалари бўйича турлича бўлган фон электролитлар ва буфер аралашмалардаги платина дискли микроанодда ТНЛ ва ТМЧ ларни электрооксидланишида ТНЛ ва ТМЧ учун электрооксидланиш сони иккига тенг бўлиши аниқланди. Чунки хусусияти бўйича турлича бўлган электролитларда ва ўрганилган муҳитларда реагентларнинг электродонорлик сони бир хил бўлади.

Кучланиш катталиги шунингдек эгрилар кўринишига, металлларни аниқлаш натижаларига, шарт-шароитларига сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли, ушбу факторни текширилаётган палладий, кумуш ва симобни ТНЛ ва ТМЧ эритмалари билан титрлашга кўрсатадиган таъсирини биринчилардан аниқланган. Сувли муҳитда турли фон электролитларнинг мавжудлигида платина дискли микроанодда намоён этилган ТМЧ ва ТНЛ вольтамперометрик тавсифлари асосида, икки индикаторли электродларда $Hg(II)$, $Ag(I)$ ва $Pd(II)$ ионларининг титрлашнинг охириги нуқтаси (ТОН) амперометрик индикациясини қўлланилувчи фон электролитлар ва буфер аралашмаларнинг хусусиятига боғлиқ равишда ТМЧ ва ТНЛ учун 0,65-1,10 В потенциалида ўтказилиши зарур. Икки индикаторли электродларда металл


ионларини амперометрик титрлаш (АТ) ўтказилишида платина электродлардаги минимал кучланиш 0,4 В бўлиши лозим.

Фон электродлари ва буфер аралашмаларнинг концентрацияси уларнинг оптималлаштирилган миқдорларига мувофиқ бўлган соҳада жойлашиши лозим (ТМЧ, ТНЛ). Титрантлар концентрацияси 0,04 дан 0,001 М гача, титрланувчи эритманинг ҳажми – 10 мл, ҳарорати +20 °С атрофида.


ТМЧ ва ТНЛ асосан сульфидлари сувда қийин эрувчи металллар билан мустаҳкам комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Бунда олтингугурт атомига тегишли электрон жуфти ҳисобига координацион боғланиш ҳосил бўлади.

ТМЧ айлануви платинали микроанодда осон оксидланиши аниқланди, вольтампер эгрилар тавсифлари кўрсатиб берилди. Бунда эгрилар сульфат кислота фонида олинади. ТМЧнинг унча юқори бўлмаган концентрацияларида тўлқин баландлиги шу катталиқка мутаносиб бўлиб, бу эса ТМЧ кўпгина металл ионлари билан тўғридан-тўғри амперометрик титрлаш учун имкон беради.


Ушбу маълумотлар асосида платинали айланувчи электродда ТНЛ ва ТМЧ анодли токи бўйича оксидланишининг амперометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди, бунда титрлаш эгри чизиғи аниқ сўнгги нуқта билан тавсифланади (3-5 расм).



3-расм. Ag(I)ни 0,01 М ТМЧ эритмаси билан титрлаш эгрилиги. 0,5 М H₂SO₄ фонида индикатор электроддаги турли кучланишлар таъсири.



4-расм. Pd(II)ни 0,03 М ТНЛ эритмаси билан титрлаш эгрилиги. Калий гидрофталат фонида индикатор электроддаги турли кучланиш таъсири.



5-расм. Hg(II)ни 0,03 М ТНЛ эритмаси билан титрлаш чизиқлари. Бриттон-Робинсоннинг (рН 2,62) фонда индикатор электроддаги турли кучланиш таъсири.

ТМЧ ва ТНЛ платина электродда оксидланади ва эритмадаги ТМЧ ва ТНЛ миқдорларига мутаносиб равишда ортувчи унча катта бўлмаган максимумли тўлқинни беради.

ТМЧ ва ТНЛ қўшиб борилиши билан кўриш катталигини ўзгариш хусусияти тўлқин ортиб бориши бўйича титрлашга мос келади (—шакл ва √—шакл). Титрлаш эгрисининг ҳаракатини қуйидагича тушунтириш мумкин: ТМЧ ва ТНЛ дастлабки қисмлари аниқланаётган металл ионлари билан ўзаро таъсирлашишига сарфланади, шунинг учун ҳам ток катталиги ўзгармас бўлиб қолади. Эквивалент нуктадан сўнг Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ионлари билан батамом боғланишидан кейин, ТНЛ ва ТМЧ қўшилган ортиқча қисми реагент концентрациясини ортиши билан ўсиб борувчи токни беради.

Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ТМЧ (0,1 М) ва ТНЛ (0,03) эритмалари билан титрлаш Бриттон-Робинсон универсал буферининг рН=1,81 дан 12,50 гача бўлган муҳитда, оксалат кислотаси (рН 2,20), калий гидрофталат (1,68), аминосирка кислотаси (1,50), калий цитрат (рН 1,69), калий фталат (рН 1,58) ва HCl, HClO₄, H₂SO₄, HNO₃, KCl, NaCl ва шу каби бошқа фон электролитлар ёрдамида электроддаги потенциаллар (E) 0,25-1,25 В диапазонида ўтказилди. Бунда, титрлаш яхши қайта такрорланувчан ва аниқлашнинг тўғри натижаларига олиб келиши билан ва шунингдек ТОН ток қийматининг кескин ўзгариши ва сарфланган титрант ҳажмининг қайта такрорланувчанлиги юқорилилиги билан ўтиши аниқланди.

Палладий(II), кумуш(I) ва симоб(II)ни ТМЧ ва ТНЛ эритмалари билан икки платинали индикатор электродлар билан аниқлашнинг ишлаб чиқилган

амперометрик усули аниқлигини статистик баҳолаш учун, уларнинг турли миқдорларини ҳар қайси аниқланишни оптимал шароитларда кўпмарталик такрорлаш билан титрлашлар ўтказилди. Олинган маълумотлардан баъзилари 1 - жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Металларнинг турли миқдорларини 0,03 М ТНЛ ва ТМЧ эритмасини билан оптимал шароитларда амперометрик титрлаш натижалари. (E = 0,75-1,25 В; P = 0,95)

Металл иони	Киритилган металл, мкг	Топилган Me ($\bar{x} \pm \Delta X$), мкг	n	S	S _r
Pd(II)	10,0	9,96±0,06	4	0,04	0,004
	20,0	20,32 ± 0,40	5	0,32	0,016
	40,0	39,2±1,24	4	0,78	0,020
	80,0	78,26±2,09	5	1,70	0,021
	160,0	156,6±5,29	4	3,32	0,020
Ag(I)	4,0	3,95±0,06	5	0,05	0,013
	8,0	7,79±0,32	4	0,21	0,026
	16,0	15,49±0,78	4	0,49	0,032
	32,0	33,1±1,81	4	1,13	0,034
	64,0	62,12±2,24	5	1,82	0,029
Hg(II)	32,0	31,56±0,53	5	0,43	0,013
	64,0	62,82±1,84	4	1,16	0,018
	128,0	125,2±3,36	5	2,73	0,022
	256,0	249,4±10,2	4	6,49	0,026
	512,0	498,5±16,2	5	13,1	0,026

Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) металлларининг микро- ва из миқдорларини ТМЧ ва ТНЛ эритмалари ёрдамида аниқлаш ўтказилишида шакли ва хусусияти бўйича турлича эгри чизиклар ва уларни титрлашнинг тўғри ва қайта такрорланувчан натижалари олинди. Бунда ТОН да реакция компонентларнинг моляр нисбатларида кузатилди, эгрилар кўриниши ва олинган маълумотлар диссертациянинг 2 бобида келтирилган.

Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) металлларни ТМЧ ва ТНЛ эритмаси орқали амперометрик аниқлашнинг таклиф қилинган усулининг селективлик даражасини баҳолаш мақсадида тадқиқ этилаётган нодир металлларни уларнинг хусусий эритмалари ва модел аралашмаларда оптималлаштирилган шароитларида модел бинар, учламчи ва янада мураккаб аралашмаларни таҳлил қилиш бўйича тажрибалар серияси ўтказилди. (2-жадвал).

Жадвалдаги маълумотлардан кўриндики, асосий ҳолларда симоб билан бирга рудаларда, қотишмалар ва бошқа табиий материалларда, ва минералларда учрайдиган, ва ушбу ишда фойдаланилган бегона катионларнинг ҳаттоки кўп миқдорлари ҳам кучли халақит берувчи таъсир кўрсатмайди, бу эса Hg(II)ни ТНЛ эритмаси билан амперометрик аниқлашнинг ишлаб чиқилган услубиятларини модел бинар, учламчи ва

янада мураккаб аралашмаларини, шунингдек реал саноат материаллари ва табиий объектларини таҳлил қилиш учун қўллаш имкониятини беради.

2-жадвал

Нг(II)ни модел бинар, учламчи ва янада мураккаб аралашмаларда ТНЛ 0,1 М эритмаси билан амперометрик титрлаш натижалари (E = 1,00 В; P = 0,95)

Таҳлил қилинувчи аралашманинг таркиби ва ундаги концентрацияси, мкг	Топилган Нг(II) ($\bar{x} \pm \Delta X$), мкг	n	S	Sr
Hg(10,0)+Pb(600,0);	10,08 ± 0,27	4	0,17	0,017
Hg(15,0)+Co(20,0)+Ni(100,0);	14,92 ± 0,29	5	0,23	0,015
Hg(25,0)+Cd(250,0)+Pb(600,0)+Co(15,0);	25,23 ± 0,43	4	0,27	0,001
Hg(30,0)+Ag(10,0)+Cd(250,0)+Fe(50,0)+Ir(80,0);	29,87 ± 0,51	5	0,47	0,015
Hg(35,0)+Ni(100,0)+Al(60,0)+Pb(600,0)+Ag(10,0)+ Cd(250,0).	35,21 ± 0,82	4	0,67	0,019

«Нг(II), Ag(I) ва Pd(II)ларни аниқлашнинг ишлаб чиқилган амперометрик усуллари аналитик қўлланиши» деб номланган Диссертациянинг тўртинчи қисмида. Нг(II), Ag(I) ва Pd(II) реал табиий материалларда одатда биргаликда учраши кўрсатилган. Нг(II), Ag(I) ва Pd(II) аниқлашга турли табиий объектлар ва саноат материалларининг таҳлил қилиниши аналитик, физик ва электрохимиянинг ўта мураккаб қисми бўлиб, охири вақтгача у алоҳида яққаланган соҳа бўлиб, унда асосий ва бош ролни эмперик усуллар, ва табиати жиҳатдан мураккаб бўлган объектлар, ва материаллардаги ушбу элементларни аниқлаш маҳоратига эга бўлган мутахассис кимёгар-аналитикларнинг моҳирона нозик ишлари муҳим рол ўйнайди. Аниқлаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Сульфидли рудалардаги Нг(II)ни аниқлашнинг фотометрик ва амперометрик услубларини солиштириш натижалари (P=0,95; $\bar{x} \pm X$)

Паспорт бўйича Нг миқдори, %	Нг топилиш услуби, %		n	S	S _r
	Фотометрик усул, %	Амперометрик усул, %			
4,02	4,09	4,04	4	0,02	0,005
2,00	2,04	2,01	5	0,02	0,009
1,55	1,50	1,52	4	0,03	0,018
1,05	1,00	1,03	4	0,02	0,017

Амперометрик титрлаш бошқа электрохимиявий услубларига нисбатан анча аниқ услуб саналади, чунки ушбу ҳолатда халақит берувчи катионларни ажратиш билан бўлган хатоликларни четлаб ўтилиши мумкин.

Амперометрик усулда олинган параллел аниқлашлар ўртасидаги тафовут 1,3 % дан ошмайди, бошқа мустақил усуллар орқали аниқланишида эса олинган натижаларда катта тафовутлар юзага келади.

Биз томондан ишлаб чиқилган амперометрик титрлаш шунингдек оқава, табиий, водопровод ва бошқа сувлардаги Hg(II)ни аниқлаш имконини беради.

Тадқиқ этилаётган металлларни платина-палладийли катализаторларда аниқлаш. Симобдан фарқланган ҳолда, Pd(II) ва Ag(I)ни табиатда тарқалганлигини аниқлаш зарурияти, муҳим геокимёвий, геологик, техник ва халқ хўжалиги муаммоларини ечиш учун, шунингдек уларни асосий саноат манбаларида мавжуд шакллари аниқланиши учун уларни кўплаб турли табиий объектларда: метеоритларда, тоғ жинсларида ва силикатли рудаларда, сульфидли мис-никель рудаларда, ультраасосли ва асосли жинслар билан боғланган минералларда аниқлаш усуллари ишлаб чиқилишини талаб этувчи зарурий чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади.

Палладийни платина-палладийли концентратда аниқлаш учун компонентларни ажратиш усули қўлланилади. Унинг моҳияти шундаки, материал тортими эритилгач, ҳосил қилинган эритма рН кўрсаткичи аниқланиб, натрий нитрит билан ишланади ва бунда нодир бўлмаган металлларнинг барча ионлари ва олтин чўкмага тушади, нодир металл ионлари эса комплекс нитритлар кўринишида эритмада қолади; бу нитритлар HCl билан буғлатилиши парчаланаяди, олинган чўкма бидистиллятда эритилади, HCl билан нордонлаштирилган эритма ўлчов колбасига ўтказилади, унинг алиқвот титрлаш учун стаканчага ўтказилади ва Pd(II)ни аниқлаш амалга оширилади. ТМЧ амперометрик титрлашдан платина-палладийли катализаторларни таҳлил қилиш учун фойдаланилди, унинг баъзи натижалари 4 жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Pd(II)ни турли платина-палладийли катализаторда ТМЧ эритмаси орқали аниқланиши (E = 1,25 В; P = 0,95)

Катализаторнинг таркиби	Паспорт бўйича миқдори Pd, %	Топилди Pd ($\bar{x} \pm \Delta X$), %	Sr
Pt-Al-Pd	9,83	9,43 ± 0,54	0,050
Pt-Al-Pd	10,20	9,77 ± 0,56	0,050
Pt-Pd	49,18	48,91 ± 1,50	0,027

Амперометрик титрлаш усули, шунингдек эталон қотишмалардаги палладийни аниқлаш учун фойдаланилган, уларнинг кимёвий таҳлил усули палладийни бошқа элементлардан, шунингдек платинадан экстракцион ажратиш операцияси билан боғлиқдир.

Эталон қотишмалардаги палладийни аниқлаш учун амперометрик титрлаш усули, уни объективлиги, шунингдек кимёвий таҳлил усули кўп

сондаги операциялар билан боғлиқ хатоликларни истисто қилиниши ҳисобига аниқлаш аниқлигини оширади.

Шундай қилиб, турли-туман объектлардаги, айниқса Pd(II)нинг кичик миқдорларини тезкор аниқлашнинг амперометрик услуби ишлаб чиқилди.

Палладий ва кумушни саноат объектларида амперометрик аниқлаш. Бойитилган шламлар, қотишмалар, руда чиқиндилари, махсус қотишмалари, стандарт намуналар, радио-электрон техникаси ва бошқа материаллардаги Pd(II) ва Ag(I) титрлашда ишлаб чиқилган усул асосида олиб борилади. Намунани анализга тайёрлаш давлат стандартлари асосида амалга оширилди. Шундан сўнг тайёрланган намуна ишлаб чиқилган амперометрик усул ёрдамида ТМЧ стандарт эритмаси билан аниқланади.

Палладий ва кумуш таркибли реал табиий объектларни таҳлил қилинишида олинган натижалар 5 ва 6 жадвалларда келтирилган.

5-жадвал

Палладий(II)ни турли хусусиятли пўлат, қотишма, концентрат ва шламларда ТМЧ эритмаси билан амперометрик титрлаш натижалари (E = 1,25 В; P = 0,95)

Таҳлил қилинувчи материалнинг номи	Паспорт бўйича Pd миқдори, масс., %	Топилган Pd ($\bar{x} \pm \Delta X$) масс., %	n	S	S _r
Легирланган пўлат АС 45-Г2	0,36	0,38 ± 0,09	5	0,08	0,102
Кумуш-олтин қотишмаси ЛСП-1-82	0,56	0,59 ± 0,07	4	0,06	0,107
Кумуш-олтинли концентрат РСЗК-01-33	0,67	0,65 ± 0,08	5	0,07	0,108
Мисли шлам ШМ-М	2,77	2,78 ± 0,17	4	0,16	0,056
Никелли шлам ШМ-Н	1,67	1,63 ± 0,12	5	0,11	0,067

6-жадвал

Кумуш(I)ни концентратлар, шлам, қотишма ва заргарлик буюмларида ТМЧ эритмаси орқали амперометрик титрлаш натижалари (E = 0,75 В; P = 0,95)

Таҳлил қилинувчи материалнинг номи	Паспорт бўйича Ag миқдори, масс. %	Топилган Ag ($\bar{x} \pm \Delta X$) масс., %	n	S	S _r
Мисли концентрат КМ-1-87	3,12	3,04 ± 0,24	5	0,21	0,068
Бойитилган шлам ПЗ-3	5,16	5,22 ± 0,12	4	0,08	0,014
Қотишма СО-1	1,35	1,32 ± 0,45	5	0,18	0,131
Заргарлик буюмлари ЮСК-30-95	10,08	9,80 ± 0,55	4	0,47	0,048

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, концентратлар, қотишмалар, шламлар, кавшарлар реал материаллар, ва объектлардаги Pd(II) ва Ag(I) ионларни ТМЧ эритмаси билан юқори метрологик тавсифларга ва аналитик параметрларига эга натижалар олиниши билан аниқ титрлаш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ионларини олингурут тутган тионалид ва тиомочевина бирикмалари билан электролизлаш имкониятлари ва оптимал шароитлари кўрсатиб берилди.

2. Оптималлаштирилган шароитларда олинган тионалид ва тиомочевина оксидланиш эгрлари, шу реагентларни аналитик титрант сифатида яроқли эканлигини тасдиқлади, логарифмик таҳлил услуги орқали эса чегаравий анод токининг қайтмас хусусиятига эга эканлиги аниқланди.

3. Электрод жараёнларнинг диффузион табиати кўрсатилди ва Hg(II), Ag(I), Pd(II) ионларини аниқлашнинг амперометрик усулларини ишлаб чиқиши учун уларнинг ҳаракат механизмлари аниқланди.

4. Кислота-асосли хоссалари бўйича турлича бўлган муҳитларда тионалид ва тиомочевина стандарт эритмаси билан аниқлашнинг амперометрик услубиятлари ишлаб чиқилди.

5. Hg(II), Ag(I) ва Pd(II) ионларини тионалид ва тиомочевина эритмаси билан уларнинг хусусий эритмаларида, бинар, учламчи ва янада мураккаб модели аралашмаларда (Pd(II)-1,0 ppm, Ag(I)-0,4 ppm ва Hg(II)-3,2 ppm) реал табиий объектлар ва саноат материалларига ишлаб чиқилган амперометрик усул қўлланилди.

6. Hg(II), Ag(I) ва Pd(II)ларни кетма-кетликда олинган экспериментал маълумотларни бошқа мустақил ва кенг қўлланувчи услублар билан солиштирган, таққослаган ҳолда тионалид ва тиомочевина эритмалари билан аниқлашнинг ишлаб чиқилган амперометрик усулининг рақобатбардошлиги кўрсатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.27.06.2017.К.01.03 ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РУЗМЕТОВ УЧКУН УРУНБОЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА АМПЕРОМЕТРИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ОПРЕДЕЛЕНИЯ
НЕКОТОРЫХ БЛАГОРОДНЫХ МЕТАЛЛОВ В ОБЪЕКТАХ
ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ**

02.00.02 - Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/К6

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу **Научного совета** ik-kimyo.nuu.uz. и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель

Сманова Зулайхо Асаналиевна,
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдурахмонов Эргаш Адурахмонович
доктор химических наук, профессор

Султонов Марат Мирзаевич
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация

Институт Общей и Неорганической химии

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4, Тел.: (99871)246-07-88, (99871)277-12-24; факс: (99871) 246-53-21. e-mail: chem0102@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за №__ 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871)246-67-71).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 г.
(протокол рассылки №___ от _____ 2018 г.)

Х.Т.Шарипов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.А.Гафурова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.

Э. Абдурахманов
Заместитель председателя научного семинара
при Научном совете по присуждению учёных
степеней д.х.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире стремительное развитие химической промышленности приводит к экологическим проблемам, для решения которых требуется применение селективных и чувствительных методов анализа. В химической промышленности в качестве катализаторов, в автомобилестроении, электротехнике, стоматологии, производстве ювелирных изделий, стекольной промышленности и производстве важных для техники и народного хозяйства микроприборов используют ртуть, серебро и палладий. В процессе производства наблюдается загрязнение этими металлами и повышение предельно допустимых концентраций их в объектах окружающей среды. Поэтому контроль и определение содержания ионов этих металлов является актуальной и важной проблемой во всем мире.

В последнее время, с точки зрения аналитиков, широко применяются для анализа благородных металлов в промышленных объектах органические реагенты, содержащие тионовые ($=C=S$) и тиоловые ($\equiv C-SH$) группы. Использование новых органических соединений, содержащих в своем составе серу- и другие функционально-аналитические группы для определения благородных металлов электрохимическими методами были и остаются одной из наиболее востребованных задач современной аналитической науки, медицины, промышленности, экологии, техники и народного хозяйства. Электрохимические методы являются чувствительными и их основное преимущество простота в эксплуатации, большой ресурс работы, высокая точность и быстрота. Поэтому разработка новых экспрессных электрохимических методов определения ртути, серебра и палладия является значимым.

В нашей Республике за годы независимости в химической промышленности были достигнуты определенные результаты, в частности, проведены широкомасштабные практические мероприятия по обеспечению местного рынка импорт замещающими химическими реагентами. Следует отметить, что в Республике уделяется большое внимание мероприятиям по системе научно обоснованного ведения промышленных объектов и охраны окружающей среды через внедрение инновационных технологий. Исходя из направления Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, определены важнейшие задачи, направленные на «совершенствование промышленности на качественно новый уровень, дальнейшую интенсификацию производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий». В этом аспекте, развитие ведущих отраслей национальной экономики, в том числе широко применяемых в химической, авиационной, атомной и медицинской промышленности, имеет особое значение разработка экспрессных методов амперомерометрического титрования ртути, серебра и палладия.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-916 от 15 июля 2008 года «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство», ПП-1071 от 11 марта 2009 года «О программе мер по ускорению строительства и освоению производства новых видов химической продукции», ПП-1442 от 15 декабря 2010 года «О приоритетах развития промышленности Республики Узбекистан в 2011-2015 годах, УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановления №273 Кабинета Министров от 23 августа 2016 года «Об утверждении Программы мониторинга окружающей природной среды в Республике Узбекистан на 2016-2020 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

